



E CONF SERIES



International Conference on Educational Discoveries and Humanities

Hosted online from Moscow, Russia

Website: econfseries.com

16th May, 2025

МОВАРОУННАҲР ТАРИХИДА ДАШТИ ҚИПЧОҚНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Маманов Абдурахим Абдухакимович

Самарқанд давлат университети мустақил изланувчиси

Аннотация:

Ушбу мақолада темурийлар давлати тарихи, XIII-XIV асрларда Мовароннаҳр тарихи, иқтисодий ҳолати, сиёсий вазият, географик шарт-шароитлар, қишлоқ хўжалиги ва ушбу ҳудуд билан Даشتி Қипчоқ ҳудудининг чегараланганлиги, ушбу ҳудудларнинг тарихий тараққиёт жараёнида ўзаро алоқаси, Даشتси Қипчоқ ерларининг географик хусусиятлари ва унинг талаблари асосида шаклланган ишлаб чиқариш усули ва бунинг ортидан келиб чиқадиган тараққиёт хусусиятлари ҳақида илмий фикр ва холосалар келтирилган.

Калит сўзлар: Ўрта асрлар, темурийлар Мовароннаҳр, Даشتси Қипчоқ, географик омил, ишлаб чиқариш усули, суғорма дехқончилик, кўчманчи чорвадорлик.

Маълумки, ҳар бир ҳалқ ўз тарихий тараққиёти мобайнида бошқа ҳалқлар билан иқтисодий, маданий, сиёсий ва бошқа жиҳатлар бўйича муентазам ўзаро таъсирда бўлади. Бундай ўзаро таъсирлашув узокроқда жойлашган ҳалқлар билан ҳам амалга ошиши мумкин бўлсада, аммо яқин, яъни қўшни ҳалқлар орасида бундай таъсирнинг аҳамияти шубҳасиз беқиёс катта бўлади. Худди шуни инобатга олган ҳолда Ўрта Осиё-Мовароннаҳрда юз берган тарихий воқеа-ҳодисаларни ўрганиш, тараққиёт йўли ҳамда омилларини белгилаш учун Ўрта Осиёга яқин қўшни ҳудудлар – Даشتси Қипчоқ ва Мўғулистон билан тарихий-жуғрофий нуқтаи-назардан танишиб чиқиш эҳтиёжи сезилади.

Шубҳасиз, Ўрта Осиё-Мовароннаҳрга яқин қўшни бошқа ҳудудлар, ҳалқлар ҳам бор албатта. Лекин бу ҳалқларнинг ҳеч бири Ўрта Осиё тарихига Мўғулистон ёки Даشتси Қипчоқчалик таъсир кўрсатган эмас.



E CONF SERIES



International Conference on Educational Discoveries and Humanities

Hosted online from Moscow, Russia

Website: econfseries.com

16th May, 2025

Хүш, нима учун Даشتى Қипчоқ ва Мұғалистон Ўрта Осиё тарихида бошқа күшни ҳудудларга нисбатан каттароқ, мұхимроқ аҳамиятта эга бўлган таъсир кўрсатган?

Бизнинг фикримизча, Даشتى Қипчоқ ва Мұғалистоннинг табиий-жуғрофий шароитидан келиб чиқадиган ишлаб чиқариш усули – кўчманчи чорвадорлик ана шу халқларнинг Ўрта Осиёга бошқа халқларга нисбатан мұхимроқ, каттароқ таъсир кўрсатишига асосий сабаб эди.

Маълумки, Ўрта Осиёнинг табиий-жуғрофий ҳамда иқлимий шароити бу ерда ўтроқ турмуш тарзи ва суғорма дәхқончиликнинг асосий, устувор ишлаб чиқариш усулига айланишига олиб келган. Даشتى Қипчоқ ва Мұғалистон эса табиий жуғрофий шароити ва иқлими жиҳатидан кўчманчи чорвачилик ишлаб чиқариши учун кўпроқ мос келар эди. Маълумки, ўтроқ халқлар билан кўчманчи чорвадорлар ўртасида доимий равишда савдо-сотик, маданий, сиёсий алоқалар мавжуд бўлган. Шарқ мамлакатлари, аниқроғи, иқтисодида суғорма дәхқончилик устувор аҳамиятта эга бўлган жамиятларда тараққиёт тўғри чизиқли кўринишда эмас, балки “даврий” кўринишга эгадир. Яъни, иқтисодида суғорма дәхқончилик устувор бўлган жамиятларда тараққиёт маълум даражага кўтарилгандан сўнг, қоида тариқасида жамиятда аввал турғунлик, кейинчалик эса инқироз-парокандалик рўй беради.

Кўчманчи чорвадорлар, яъни Даشتى Қипчоқ ва Мұғалистон аҳолиси ҳудди ана шу пайтда, яъни ўтроқ жамият тушкунликка юз тутаётган, марказий ҳокимият заифлашган ёки бутунлай барбод бўлиб, мамлакат майда бўлакларга парчаланиб кетган бир пайтда бу жамиятларга бостириб кирап ва бу ердаги ўлиб бораётган жамиятни қайтадан тирилтирас-янгилар эдилар.

Ўрта Осиё тарихининг биз тадқиқ қилаётган даври – темурийлар салтанати тарихида ҳам ушбу ҳодиса жудаям ёрқин кўринишда юз берган эди. Ҳудди шу туфайли ҳам биз Даشتى Қипчоқ ҳамда Мұғалистоннинг тарихий-жуғрофий тасвири билан танишиб чиқишимизга эҳтиёж туғилади.

Даشتى Қипчоқ дейилганда – Каспий денгизидан Урал тоғларигача, Фарбда Венгрия текисликларидан Олтойгача бўлган улкан дашт тушунилади.

Юқорида айтилганидек, бу дашт аҳолисининг асосий машғулоти кўчманчи-чорвачилик эди. Кўчманчи-чорвачилик инсоният ўрганган илк ишлаб



E CONF SERIES



International Conference on Educational Discoveries and Humanities

Hosted online from Moscow, Russia

Website: econfseries.com

16th May, 2025

чиқариш усули бўлиб, кейинчалик чорва молларини ем-ҳашак билан таъминлаш зарурати туфайли одамлар дехқончилик билан шуғуллана бошлаганлар. Бугунги расмий тарих фанида чорвачилик олдин пайдо бўлганми ёки дехқончилик деган саволга ҳали –ҳануз ҳаммани тўла-тўкис қаноатлантира оладиган жавоб берилганича йўқ. Лекин энг аввал чорвачилик, ундан кейин эса дехқончилик пайдо бўлганлигини билдирувчи далиллар мавжуд.

Масалан, Ф. Энгельс ўзининг “Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши” номли асарида чорвачилик дехқончиликдан аввал пайдо бўлганлигига анча ишонарли бир далил келтиради; “...Бу ерларда донли экинларни экиб ўстириш, энг олдин ҳайвонлар учун ем ҳашакка муҳтоҗлик орқасидан келиб чиқсанлиги ва фақат кейинроққина кишиларнинг овқатланиши учун муҳим манбага айланганлиги ҳақиқат бўлса керак”.[1]

Бундан олдинроқ эса Энгельс ўз китобида ҳозирги сўзларига исбот бўла оладиган, исбот бўлганда ҳам энг зўр исбот бўла оладиган далил келтиради: “Европа ва Осиё орийларида ҳайвонларнинг номлари ҳали бир хил бўлган, аммо экиб ўстириладиган ўсимликларнинг номлари деярли ҳеч қачон бир хил бўлмаган.”[2]

Яна бир тадқиқотчи- Жаред Даймонд чорвачилик билан дехқончилик бир вақтда пайдо бўлган деб даъво қиласди. Аммо худди шу Даймонд дехқончилик чорвачилик пайдо бўлган минтақалардагина пайдо бўлганлигини (Евросиё), чорвачилик бўлмаган минтақаларда эса (Америка, Австралия) дехқончилик ҳам пайдо бўлмаганлигини жуда ҳам ишонарли исботлаб беради. Яъни, Жаред Даймонд бу иши билан ўзининг аввалги,-чорвачилик ва дехқончилик бир вақтда пайдо бўлган деган тезисини йўққа чиқаради- модомики чорвачилик пайдо бўлмаган минтақаларда дехқончилик ҳам бўлмас экан, яъни чорвачилик дехқончилик пайдо бўлишининг асосий шарти экан, бундан келиб чиқадиган мантиқий хулоса шуки, чорвачилик дехқончиликдан аввал пайдо бўлган.[3] Дашиби Қипчоқнинг асосий ахолиси Ўрта асрларда кўчманчи-чорвадорлардан иборат бўлган. Бу ишлаб чиқариш усули ҳамда турмуш тарзи кўчманчиларни ёшлигиданоқ от миниш, от чоптириш, ҳарбий машқларга ўрганишга мажбур қиласди. Чунки, доим яйловлар, ўз жонини ва мол-мулкини бегоналардан



E CONF SERIES



International Conference on Educational Discoveries and Humanities

Hosted online from Moscow, Russia

Website: econfseries.com

16th May, 2025

ҳимоя қилиш зарурати қўчманчиларни ёшлигиданоқ моҳир чавандоз ва довюрак жангчи бўлишини талаб қиласр эди.

Дарё водийларида, ўтроқ турмуш кечираётган жамиятларда вақти-соати келган пайтдан бошлаб давлат - ўз фуқароларининг ҳаёти ва мол-мулкини зўравонларнинг тажовузидан ҳимоя қилувчи ташкилот пайдо бўлади. Аммо қўчманчи чорвадорлар жамиятида ҳам вақти-вақти билан сиёсий уюшма – давлат пайдо бўлиб турса ҳам, биринчидан, бу давлат ҳеч қачон ўтроқ жамиятлардаги каби барқарор бўлмаган.

Иккинчидан эса, бу давлат давлат деб аталсада, аммо ўз вазифалари-функцияси жихатидан ўтроқ турмуш тарзига эга бўлган жамиятларда пайдо бўладиган давлат вазифалари-функцияларини - ўз фуқароларининг шахсий ва мулкий дахлсизлигини зўровонликдан ҳимоя қилиш функциясини ҳеч қачон тўла-тўкис адо эта олмаган.

Кўчманчи-чорвадорлик турмуш тарзи учун энг асосий ижтимоий уюшма – уруғ бўлиб, уруғ оқсоқоли ва кенгаши томонидан қабул қилинган қарор ва тарихан таркиб топган урф-одатлар, қадриятлар асосида бошқарилар эди.

Маълумки, ўтроқ турмуш тарзи билан яшовчи халқларда хусусий мулкнинг пайдо бўлиши билан тарихан қисқа муддатда уруғчилик тузуми барбод бўлади, уруғчилик муносабатлари ўрнида пайдо бўлган давлатчилик муносабатлари минг йиллар давомида бузилмасдан сақланиб қолган эди.

Хўш, нима учун ўтроқ халқларда хусусий мулкнинг пайдо бўлиши уруғдошлиқ муносабатларини парчалаб юборгани ҳолда қўчманчиларда бу ҳодиса юз бермади?

Бизнинг фикримизча, сабаб шундаки, ўтроқ бой билан камбағал бир уруғдан – ўзаро қон-қардош бўлсаларда, мулкий тенгсизлик улар ўртасида рақобат – ўзаро душманликни келтириб чиқаради. Жамиятдаги мулқдор табақа ўз мол-мулкини камбағаллар тажовузидан ҳимоя қиладиган, яъни тартиб ўрната оладиган ташкилот – давлатга муҳтоҷ эдилар.

Аммо, қўчманчи-чорвадор бойнинг асосий душмани ўз қариндоши – камбағал эмас, балки теварак-атрофдаги бошқа уруғлар, бошқа қабилалар эди. Худди шунинг учун ҳам ўтроқ бой учун камбағал қон-қардоши душман бўлгани ҳолда, қўчманчи бой билан камбағал бир-бирларининг ҳимоячиси эдилар.



E CONF SERIES



International Conference on Educational Discoveries and Humanities

Hosted online from Moscow, Russia

Website: econfseries.com

16th May, 2025

Худди шунинг учун ҳам кўчаманчи-чорвадор халқларда уруғ ниҳоятда яшовчанлик касб этиб, бу турмуш тарзининг мазкур хусусияти фақатгина Дашти Қипчоқ халқлари тарихигагина эмас, балки унга қўшни халқлар – хусусан Мовароуннаҳр халқлари тарихига ҳам катта таъсир кўрсатган омиллардан бири бўлди дейишимиз мумкин.

Олтин Ўрда – бу давлат Чингизхоннинг набираси Ботухон томонидан асос солинганидан бошлаб, теварак-атрофдаги деярли барча халқлар учун даҳшатли, босқинчи куч бўлиб келди. Аммо Амир Темур замонига келганда Олтин Ўрда анча заифлашган, ўзаро урушлар унинг тинка-мадорини қуритган эди. Ўзаро урушларда рақиблар доимо рақибиغا қарши курашда ёрдам сўраб, бошқаларга мурожаат қиласр эдилар. Масалан, Тўқтамишхон Ўрусхонга қарши урушда ёрдам сўраб, Амир Темурга мурожаат қиласр:

“Вақтики Тўқтамиш Ўрусхондин қочиб, Темурийнинг ёнига – Самарқанд келди. Ортиндин Эдигей манғит келди, айтди ким Ўрусхон жамъи лашкар қилиб бу тарафка мутаважжих бўлди, деб. Темурбийнинг мадади бирлан Тўқтамишхон Ўрусхонни босиб, Жўгиҳоннинг халқига эга бўлуб шахри Саройда хонлиқ таҳтинда ўлтурди. ... Бир неча вақтдан сўнг Амир Темур Эрон мамлакатига отланди. Тўқтамишхон Мовароуннаҳрни холи топуб Самарқандга келиб, бир неча мусулмонларни шаҳид қилиб, қатл ва горат қилиб, қайтиб кетди. Амир Темур бу хабарни эшитиб, қайтиб келиб, Самарқандда турмай Тўқтамишхоннинг устига отланди. Бориб Атил сувининг бўйинда Тўқтамишхон бирлан уриштилар. Ахир Амир Темур нусрат топуб Тўқтамишхон қочиб кетди. Темурий кўб халқни қатл қилди”.[4] Шарафиддин Али Яздий: Амир Темур томонидан Тўқтамишхонни биринчи бор кутиб олиниши ҳақида шундай хабар беради: “Ҳазрат Соҳибқирон Кўчқор мавзесида эди.

Тўхтамиш ўғлон Ўрусхондан қўрқиб, паноҳ тилаб келаётганини эшитди. Ҳазрат Соҳибқирон ҳаялламай, ўзбек бекларидан Туманбекни уни иззатхурмат билан келтириш учун юборди”.[5]

Амир Темур Олтин Ўрда таҳтида ўзига қарашли киши бўлишини хоҳлар эди. Тўхтамишхоннинг Ўрусхондан қўрқиб қочиб келиши Амир Темур учун айни муддао бўлган эди.



E CONF SERIES



International Conference on Educational Discoveries and Humanities

Hosted online from Moscow, Russia

Website: econfseries.com

16th May, 2025

Аммо Тўхтамишхонни Олтин Ўрда тахтига ўтқазиш Амир Темур учун осон кечмади, яъни Тўхтамишхон биринчи гал Ўрусхондан енгилиб, ўзи базўр омон қолади. Иккинчи гал Ўрусхоннинг ўғли уни мағлубиятга учратди. Тўхтамишхон Олтин Ўрда қўшинларидан уч маротаба енгилишига қарамай Амир Темур уни барибир қўллаб-куватлашда давом этди ва охир оқибат Тўхтамишхон Олтин Ўрда тахтини эгаллашга муваффақ бўлди.

Лекин Тўхтамишхон Амир Темурнинг умидларини пучга чиқарди. Амир Темурнинг Эрон юришига кетганидан фойдаланган Тўхтамишхон Амир Темур давлатига ҳужум қилиб, бу ерларни – асосан Хоразм ва Қуйи Сирдарёни талайди. Амир Темур тутинган ўғлининг бу ишлари ҳақида эшитганида аввал бошда ишонгиси келмайди: “Биз ахир Тўхтамиш билан ота-боламизку!? Нега биз ўртадаги аҳду-паймонни бузишимиз керак? Агар кимда -ким орамизга нифоқ ургуни сочаётган бўлса, у худонинг қарғишига учраши тайин. Биз ундейларни жазолашимиз керак”.[6]

Бу хабарни эшитган Амир Темур ортга – Самарқандга қайтишга мажбур бўлади, ва хиёнаткор иттифоқчи устига қўшин тортишга мажбур бўлади. Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасида Итил (Атил) бўйида бўлиб ўтган жангда Тўхтамишхон енгилди, аммо ўзи қочишга муваффақ бўлди.

Тўхтамишхон Амир Темур давлати худудларига - бу сафар Ozарбайjon орқали юриш қиласи. Амир Темур “нонқўр” ни жазолаш учун Олтин Ўрдага қарши уч марта юриш қиласи. (1388, 1391 ва 1394-1395). Амир Темурнинг Тўхтамишхон билан бўлган Терек жангига ўша пайтдаги энг катта қўшинлар ва энг буюк саркадалар тўқнашуви бўлганлигини мутахассислар таъкидлайдилар.

Ўрта Осиё –Мовароуннахр ўз тарихида бир неча бор ана шундай юксалиш-инқироз босқичларини ўз бошидан кечирган. Ўрта Осиёда ҳар бир сафар юз берган ана шундай инқироз-парокандалик босқичида , аҳоли кўплаб қирилиб кетган ва омон қолганлар турли томонларга бош олиб кетган вазиятларда бу ерларга, яъни Ўрта Осиёга Дашиб Қипчоқ аҳолиси оқиб келар эди. Биз юқорида кўриб ўтганимиздек, Дашиб Қипчоқ аҳолисинингасосий машғулоти-кўчманчи чорвадорликаҳолининг жуда секин, аммо тўхтовсиз ўсиб боришини таъминлар эди. Ўрта Осиёда инқироз-парокандалик босқичи бошланиши



E CONF SERIES



International Conference on Educational Discoveries and Humanities

Hosted online from Moscow, Russia

Website: econfseries.com

16th May, 2025

пайтиданоқ, Даشتى Қипчоқ аҳолиси Ўрта Осиёning унумдор воҳаларига қараб ҳаракат қиласар, улар бу ерларда ўз ҳокимиятини ўрнатиб, янги сулолага асос солар эдилар. Бу ерларга кўчиб келиб ўрнашган Даشتى-Қипчоқнинг кўчманчи-чорвадор аҳолиси дастлабки пайтларда, бирдан кўчманчиликни ташлаб, ўтроқ дехқонга айлана олмас эди. Улар дастлабки пайтларда ярим ўтроқ, ярим кўчманчига айланар, аста-секинлик билан, одатда, иккинчи ёки учинчи авлодга бориб, бутунлай ўтроқлашиб қолар эдилар.

Шундай қилиб кўрамизки, Ўрта Осиёning иқтисодий, сиёсий, этник, маданий, маънавий ҳаётида Даشتى Қипчоқ ва Мўғалистоннинг ўрни ниҳоятда катта аҳамиятга эга эди. Биз темурйлар салтанати инқирози тарихини ўрганишда ана шу худудларнинг таъсирини доимо ҳисобга олишимизга тўғри келади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ф. Энгельс. “Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши. –Тошкент: 1965. –Б. 27.
2. Ф. Энгельс. “Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши. –Тошкент: 1965.. –Б. 26.
3. Даймонд Ж. Ружьё. Сталь и микробы. Судьбы человеческих обществ. Москва 2010.
4. Абулғозий. Шажараи турк. –Тошкент: 1992. –Б. 99.
5. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. –Тошкент: Шарқ, 1997. –Б. 82.
6. Низомиддин Шомий. Зафарнома 1-жилд. Б-102.